2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 237 (1298), 2024 йил 22 ноябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ ЎРТАСИДА ЯҚИН МУЛОҚОТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси Бош прокурори Игорь Красновни қабул қилди.



Икки томонлама кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Терроризм, экстремизм, кибержиноятлар, коррупция ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳаларида, жиноий активларни қайтариш, сунъий интеллектни жорий этиш ва рақамлаштириш борасида бош прокуратуралар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз прокуратура идоралари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро алоқа ва алмашинувларни кенгайтириш, қўшма тадбирлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СПОРТ ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ВОСИТАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни ёшларни спортга кенг жалб этишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили бўйича давлат дастури доирасида навқирон авлодга кенг имкониятлар яратилмоқда. 10 миллиондан зиёд аҳоли оммавий спорт билан шуғулланмоқда. Барча ҳудудларда, таълим ва меҳнат жамоаларида турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Давлат дастурида жамоавий спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш вазифаси белгиланган. Шунга мувофиқ, қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Масалан, жамоавий спорт турлари бўйича “Маҳалла лигаси” ва “Мактаб лигаси” мусобақаларини йўлга қўйиш таклиф этилмоқда. Давлат олий таълим муассасаларида спорт клублари ташкил қилиш, улар ўртасида “Талабалар лигаси”, “Вазир кубоги” ва “Ректор кубоги” каби мусобақалар ўтказиб бориш кўзда тутилмоқда.

Жамоавий спорт турлари бўйича миллий лигалар қўллаб-қувватланади. Маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ҳудудий спорт клублари тузилади. “ERP Sport” электрон тизимида иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва селекция қилиш жорий этилади.

Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Таклифга кўра, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “жисмоний тарбия ва спорт куни” сифатида белгиланади. Жалб қилинган ёшлар сони ҳамда эришилган натижаларга қараб, спорт мактаблари ходимларига устама берилади. Шунингдек, инфратузилмадан келиб чиқиб, муассасалар муайян спорт турларига ихтисослаштириб борилади.

Тизим мактабларида оммавий спорт бўйича тренер-селекционер лавозими жорий этилиб, уларга бештагача маҳалла ва таълим муассасалари бириктирилади. Маҳаллаларда тўгараклар ташкил этган тренерлар қўшимча рағбатлантирилади.

Президент спорт соҳаси ёшларга оид давлат сиёсатининг катта йўналиши эканини таъкидлаб, жойларда бу борадаги қулайликларни кенгайтириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш бўйича фикрларини билдирди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 21 ноябрдаги тегишли қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолигига номзодлар маъқулланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ:

Ачилбай Жуманиязович Раматов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Джамшид Анварович Кучкаров — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири;

Жамшид Абдухакимович Ходжаев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Зулайхо Бахриддиновна Махкамова — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси;

Лазиз Шавкатович Кудратов — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири;

Ботир Эркинович Захидов — Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири;

Иброхим Юлчиевич Абдураҳмонов — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири;

Шавкат Рахимович Хамраев — Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири;

Шерзод Саиджанович Хидоятов — Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири;

Илхам Рустамович Махкамов — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири;

Жўрабек Турсунпулатович Мирзамаҳмудов — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири;

Бобир Фархадович Исламов — Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири;

Шерзод Хотамович Шерматов — Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири;

Азиз Абдукахарович Абдухакимов — Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири;

Асилбек Анварович Худаяров — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири;

Хилола Уктамовна Умарова — Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири;

Конгратбай Авезимбетович Шарипов — Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири;

Адхам Ильхамович Икрамов — Ўзбекистон Республикаси спорт вазири;

Озодбек Ахмадович Назарбеков — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири;

Акбар Джурабаевич Ташкулов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири;

Бахтиёр Одилович Саидов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири;

Абдулла Хамидуллаевич Кулдашев — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири;

Пўлат Раззақович Бобожонов — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири;

Баходир Низамович Курбанов — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 ноябрь

ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРГА БИР ҚАТОР ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Қарор хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва улар билан доимий мулоқотни кенгайтиришга қаратилган.

“Ватандош” тушунчаси сифатида — келиб чиқиши Ўзбекистон ҳудудидан бўлган ёхуд этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган, Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган шахслар ва уларнинг авлодлари тушунилмоқда.

Ҳужжат билан ватандошларга қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар берадиган “Ватандош” гувоҳномаси ҳамда “Ватандош” картаси жорий этилмоқда.

“Ватандош” гувоҳномаси — юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган хорижданги ватандошларга берилади ҳамда “Ватандош картаси”ни олиш учун асос бўлади. “Ватандош” картаси — 5 йилгача муддатга ID-карта шаклида расмийлаштирилади.

Гувоҳнома ва карта Ўзбекистонда акция (улуш) сотиб олган, хорижий ёки қўшма корхона ташкил қилган, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, халқаро имижи янада юксалишига ҳисса қўшган ватандошларга берилади.

Бунда ушбу гувоҳнома ва картага эга бўлган ватандошларга қуйидаги ҳуқуқ ва имтиёзлар берилади:

— Ўзбекистон ҳудудига визасиз кириш ва чиқиш;

— Ўзбекистон ҳудудида ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатсиз меҳнат фаолиятини олиб боришда Ўзбекистон ҳудудида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди;

— кўчмас мулк сотиб олишда чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган кўчмас мулк миқдорлари татбиқ этилмайди;

— ўзи ва оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган шартларда тиббий, таълим ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш;

— оила аъзоларига давлат божисиз кўп марталик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон ҳудудидан чиқмасдан узайтириш;

— оила аъзоларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда давлат божидан озод қилиш.

“Ватандош” гувоҳномасини бериш тўғрисидаги қарор идоралараро коллегиал орган — Комиссия томонидан қабул қилинади.

Мазкур қарор билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар мамлакатимиз тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган ватандошларимизни рағбатлантириш бўйича тизимли ишларнинг мантиқий давомидир.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, қарордан келиб чиқадиган қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Янги Ўзбекистон руҳи

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ СИЛСИЛАСИ



Ҳар бир кун — тараққиёт саридир. Муҳими, ишонч ва ҳаракат. Ва яна — истак. Ҳаёт эса ҳар биримиздан фидойиликни, уйғоқлик руҳини талаб қилади. Айниқса, бугунги шиддатли замон, таҳликага тўла давр шуни тақозо этяпти.

Баъзан киши бир маромда яшашга кўникиб қолади. Нега шундай, буни тушуниш қийин. Аммо вақти келиб, атрофда бўлаётган ўзгаришлардан сергак тортасиз. Шунда фикр уммонидаги шавқдан вужудингиз яйрайди. Ҳаётга сархил тафаккур уҳдаси билан қарай бошлайсиз.

Агар бу тасвирни бутун бир жамият маконига менгзаб тасаввур этсак, масала буткул жиддийлашади. Айтмоқчимизки, тарихий фурсатларнинг қимматини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз. Кўпинча тўкис ҳаёт тарзи руҳиятимизга, фитратимизга “аччиқ уйқу” уфурганини сезмай қоламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг сайловдан кейинги биринчи мажлисларида сўзлаган уч кунлик нутқи шу кунларда барчамизга жўшқинлик улашиб, катта мақсадлар сари чорлаб турибди. Халқимиз ислоҳотларга тўла ҳаётига навбатдаги ёркин орзу-умидлар нишонларини қадамоқда.

“**Олдимиздаги йиллар янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади”,** демоқдамиз.

Давоми 3-бетда

2024 йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Бу иқтисодиётимиз ривожланишининг ёрқин кўрсаткичидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

КЎЗЛАНГАН МАРРАЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Иқтисодий юксалиш халқимизнинг ҳаётини кескин ўзгартирмоқда



**Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида келгуси йиллар учун катта марралар белгилаб олинган. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Дастлаб бунга айримлар шубҳа ёки иккиланиш билан қарагани ҳам бор ҳақиқат. Аммо ўз вақтида зарур чоратадбирлар амалга оширилгани, барча имкониятлар ишга солингани туфайли шу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Албатта, бу ютуқлар барчамизни руҳлантиради.

Айни пайтда ислоҳотлар шиддатини пасайтирмасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, **2030 йилга бориб, иқтисодиёт ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мумкин.** Бу эса халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини кескин яхшилашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари шу хусусда тўхталиб, бундай натижаларга эришиш учун куч ва имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли эканини алоҳида таъкидлади. Ислоҳотларни изчил давом эттириш ва кўзланган марраларга эришиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Тегишли вазифалар ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди

**Назира МУХТОРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида иштирок этиб, мамлакатимиз тараққиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган маърузани тингладик. Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳар биримизнинг олдимизга катта масъулият қўйди.

Маърузада таъкидланганидек, **2024 йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Бу иқтисодиётимиз ривожланишининг ёрқин кўрсаткичидир. Агар 2018 йилда бу рақам 1600 доллар бўлганини ҳисобга олсак,** бундай натижага эришиш йўлида қандай катта қадамлар қўйилганини кўрамиз.

Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистонни Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Ушбу эътироф юксак марралар йўлида қилаётган ҳаракатларимиз тўғри йўлда эканлигидан далолатдир.

Иқтисодий ўсишдан кўзланган асосий мақсад, бу — аҳолимиз турмуш даражасини янада яхшилашдир. **Амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар сабаб келгуси 5 йилда аҳоли жон бошига даромадни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар қамровини кенгайтириб, тўлиқ тиббий суғурта тизимига ўтиш мақсад қилинган.**

Йиғилишдаги муҳокамалардан келиб чиқиб шунга амин бўлдимки, янги ҳукумат, барча масъул раҳбарлар бу режаларни амалга ошириш учун бор имкониятни ишга солади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос



**Руслан СОБИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Президентимиз Қонунчилик палатасидаги маърузаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, баъзи ҳолатларда ҳужжатлар жамоатчилик муҳокамасисиз қабул қилинаётганини, бу эса аҳоли ишончини сўндириши мумкинлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу масалада Адлия вазирлиги олдига жиддий вазифалар қўйди. Энди вазирлик мазкур масала бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, уларни Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси билан чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳукуматга киритиши белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнларини очиқ ва жамоатчилик билан бамаслаҳат амалга ошириш, нафақат қонунчилик ҳужжатларининг сифати ва халқчиллигини таъминлайди, балки жамоатчилик фикрини инобатга олиш орқали уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини, ижросини ҳам енгиллаштиради.

Шахсан мен депутат сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида аҳоли, мутахассислар ва фуқаролик жамияти институтларининг фикрини тинглаш зарур ва жуда фойдали деб ҳисоблайман. Бундай ёндашув ҳужжатларнинг сифати ва амалий самарадорлигини оширади. Жамоатчилик фикрини инобатга олмаган ҳужжатлар келгусида муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши фуқароларнинг давлат бошқарувига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Чунки ҳужжатлар халқ учун ишлаб чиқилади ва уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлади. Биз учун ҳар бир фуқаронинг фикри муҳим ва давлат органлари бу масалада фаол бўлиши шарт.

Ишончим комилки, бу чора-тадбирлар орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида шаффофлик ва самарадорлик янги даражага кўтарилади. Бу эса, ўз навбатида, янги Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Муносабат

ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Баҳодиржон ЮНУСОВ,
Марказий сайлов комиссияси аъзоси**

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи ялпи мажлисларида Президентимиз қатнашди ва парламент палаталарининг келгусидаги фаолияти йўналишларини белгилаб берди.
Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатасида тўғридан тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар ишлаб чиқишни кенгайтиришга эътибор қаратди. Шунингдек, парламент ва депутатлик назорати имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Қонунчилик палатаси фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириши учун ҳар бир қўмита ҳузурида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Қўмиталарнинг вазирликлар билан ишлашида фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш, эътибор, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши кераклигини айтди. Айниқса, инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратилиши, ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларни тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш таклиф этилгани депутатларнинг ўз сайлов округида сайловчилар ўртасида обрўсини оширишга хизмат қилади.

Депутатлар ҳар бир масалага ёндашувда, қонунлар ишлаб чиқишда узоқ-яқин туманлардаги инсонларни кўз олдига келтириб, фақат бугунни эмас, келажак авлодларни ҳам ўйлаб иш тутиши — энг асосий мақсад.

Бугун маҳаллий кенгашларнинг мустақил иш юритишида дастлабки қадамлар қўйилди. Бундан буён кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади ҳамда 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар кенгашларига ҳокимлар раислик қилмайди.

Шу вақтгача амал қилиб келинган ваколатларнинг қонунчиликдаги ўзгаришлар туфайли ижроия ҳокимиятидан олиб қўйилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган масалалар ечимини топишда маҳаллий кенгашлар ҳамжиҳатликда, бирликда иш кўриши муҳим.

Айни пайтда янги сайланган депутатлар ҳамда ҳокимликлар ходимларининг халқ депутатлари кенгаши ва унинг доимий комиссиялари фаолияти тўғрисидаги қонунчилик нормаларидан тўла хабардор бўлмаслиги маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва ҳужжатлар ижросида тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун маҳаллий кенгашлар депутатларини ўқитиш, ўргатиш ва биргаликда масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар ҳар бир маҳаллий кенгаш билан яқиндан ҳамкорлик қилиши зарур.

Бу жараёнда бир-бирини такрорлаш вақтдан самарасиз фойдаланишга олиб келади. Ўз навбатида, кенгаш депутатлари ижроия ҳокимияти иш юритишидан тўла хабардор бўлиши керак.

Тасаввур қилинг, маҳаллий кенгашнинг тегишли доимий комиссияси ўз иш режасига кўра амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганишни режалаштиради. Ушбу қонуннинг ҳудудга хос хусусиятларини ўрганади. Шу жараёнда, табиийки, ҳокимлик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар ўрганиш объекти бўлади. Шундай масалаларни режалаштиришда қонун қай даражада ишлаётгани ва яна қандай ишларни бажариш лозимлиги ҳақида аниқ хулосага келиш мумкин.

Бундай жараёнларда ўзаро ҳамкорлик, доимий комиссия ҳузурида тажрибали мутахассислар, ҳокимлик ходимларидан иборат эксперт гуруҳларини тузиш самара беради. Энг муҳими, вақтдан унумли фойдаланилади ва такрорлар барҳам топади. Ҳамиша ҳам доимий комиссия ўзи хоҳлаган вақтда хоҳлаган масалани кўриб чиқа олмаслиги мумкин. Шундай ҳолларда ўзаро келишув асосида ҳамжиҳатлик билан масалаларни режалаштирилгандан сўнггина ишга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сайловчиларни ўйлантираётган энг долзарб масалани аниқлаш ва унинг ечими устида ишлаш депутатнинг асосий вазифасидир. Кейинги саккиз йилда бажарилган ишларни сарҳисоб қилсак, жуда катта ижтимоий-маиший масалалар ечим топганига гувоҳ бўламиз. Сайловчилар билан учрашувларда келиб тушган таклифларни умумлаштириш ҳамда ижроия ҳокимияти томонидан шу масалалар бўйича кўрилаётган чоралар таъсирчанлигини оширишда ҳамкорликни йўлга қўйиш депутатнинг фаолияти самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллий кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича Сенатга катта масъулият юклатилган. Йиғилишда Олий Мажлис Сенати бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши кераклиги таъкидланди.

Замонавий рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш маҳаллий кенгашларнинг аниқ ва пухта ишлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур фикрларни умумлаштирган ҳолда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинадиган чоратадбирлар дастурига қуйидаги таклифлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

— маҳаллий кенгашлар депутатлари учун “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари роли: ижроия ва вакиллик органларининг янги ваколатлари” мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказиш;



Янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллий кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича Сенатга катта масъулият юклатилган. Йиғилишда Олий Мажлис Сенати бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши кераклиги таъкидланди.

Парламент олдига қўйилган ҳаётий масалаларни ҳал этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг профессионал тарзда қонунлар яратиши, Олий Мажлис Сенати эса ҳудудий муаммоларни ҳал этиш масалаларини давлат манфаатлари билан узвий равишда бевосита маҳаллий кенгашлар билан ҳал этиб бориши янги Ўзбекистон парламенти такомиллашувида муҳим қадам бўлади.



— муайян маҳалла ҳудудидаги муаммони аниқлаш ва унинг ечимида қарор қабул қилиш механизми бўйича тажриба алмашиш;

— сайловчилар билан учрашув ўтказиш ва келиб тушган таклифларни тааллуқлилигига кўра туман, вилоят, республика даражасида ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш тажрибасини йўлга қўйиш;

— маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбар ва мутахассислари учун “Депутат сўрови”, “Кенгаш назорати” мавзуларида ўқув машғулотлари ўтказиш;

— халқ депутатлари маҳаллий кенгаши сессиясида ижроия органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш жараёнида кўрилаётган масалаларнинг шу ҳудуддан сайланган депутат томонидан қай даражада ўрганилгани бўйича депутатларнинг ҳам ахборотини эшитиш тажрибасини йўлга қўйиш.

Парламент олдига қўйилган ҳаётий масалаларни ҳал этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг профессионал тарзда қонунлар яратиши, Олий Мажлис Сенати эса ҳудудий муаммоларни ҳал этиш масалаларини давлат манфаатлари билан узвий равишда бевосита маҳаллий кенгашлар билан ҳал этиб бориши янги Ўзбекистон парламенти такомиллашувида муҳим қадам бўлади.

Тараққуд

Ўтган 2023-2024 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари учун 14 триллион сўм йўналтирилган эди. Шу йил эса бунга қўшимча равишда яна шунча маблағ ажратилиши белгиланган. Бу ҳақда жорий йил 10 июнь куни Президентимиз раислигида энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳаси объектлари куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маълум қилинган эди.

СУРХОНДАРЁДА АҲОЛИНИ КЎМИР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Хўш, Сурхондарё вилоятида қиш мавсумига тайёргарлик қандай? Аҳолига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига кўмир етказиб бериш қай даражада ташкил этилди?

Ҳаво ҳарорати пасайиши билан энергия ресурсларига, жумладан, кўмирга талаб ортди. Сурхондарёда жорий куз-қиш мавсумида аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг кўмирга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун пухта тайёргарлик кўрилди.

Маълумотларга кўра, воҳада бу йилги эҳтиёж учун 111,5 минг тонна кўмир етказиб бериш режа қилинган. Шундан 55,9 минг тоннаси аҳоли, 35,9 минг тоннаси эса ижтимоий соҳа объектлари учун мўлжалланган.

Масалан, Термиз туманидаги мавжуд 30 та маҳалладаги 20 минг 850 та хонадоннинг 2582 тасида кўмирга эҳтиёж борлиги аниқланган.

Айни пайтда ана шу хонадонлар ва 84 та ижтимоий соҳа объектига Ангрен кўмир конидан олиб келинган маҳсулот етказиб берилмоқда.

— Жорий йил куз-қиш мавсуми учун барча ресурслар ҳозирланган. Ижтимоий соҳа объектлари аллақачон тўлиқ кўмир билан таъминланган. Режа бўйича Термиз туманига 1291 тонна кўмир берилиши белгиланган, — дейди Термиз туманидаги кўмир омбори мудири Комил Сиддиқов. — Газ билан таъминланмаган ҳудудлар тўла қамраб олинмоқда. Ҳозиргача 60 фоиз ҳудуд аҳолисига арзон нархларда кўмир тарқатиб бўлинди.

“Сурхондарё кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамиятига қарашли омборлар аҳолининг арзон ва сифатли кўмирга бўлган эҳтиёжини таъминлашда яхши самара бермоқда.

— Қишнинг совуқ ва қировли кунларидан олдин бундай эътибор ва яратилган шароитдан мамнунмиз. Газлаштирилмаган, мураккаблик туғдирган маҳаллаларга ўз вақтида кўмир тарқатиляпти. Маҳсулот арзон ва сифатли. Ўзим 1,5 тонна кўмир олдим. Қиш мавсумига тўла етади, — дейди Термиз туманида яшовчи Ҳамид Шукуров.

Президентимизнинг “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан, Сурхондарёнинг Музработ, Бандихон, Қизириқ, Ангор, Термиз ҳамда Жарқўрғон туманларидаги ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизими янгиланмоқда. Хусусан, Музработ туманида 104 та ижтимоий соҳа объекти мавжуд. Бугунгача уларнинг 68 тасида давлат-хусусий шериклик асосида замонавий печлар ўрнатилди.

2024-2025 йил куз-қиш мавсумида талаб этиладиган кўмир белгиланган график асосида туманларга етказиб берилмоқда. Бунинг учун 13 та ҳудудий кўмир омбори мавсумга шай ҳолга келтирилди. Махсус юкловчи ва юк ташувчи транспорт воситалари орқали вилоятдаги олис, бориш қийин бўлган 29 та маҳалладаги аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кўмир етказиб берилмоқда.

— Аҳолини ўз вақтида таъминлаш мақсадида вилоят бўйлаб кўмир тарқатилиши тизимли йўлга қўйилган. Шунингдек, мавсум давомида аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, режалаштирилган ҳажмдаги кўмирнинг қолган қисми кўмир омборларига етказиб берилади, — дейди “Сурхондарёкўмиртаъминот” МЧЖ бошлиғи Ҳумойиддин Пўлатов. — Барча туманларда маҳалла фуқаролар йиғини раислари жалб қилинган ҳолда аҳолига арзонлаштирилган кўмир етказиб берилмоқда. Вилоят ва туман сектор раҳбарлари томонидан аҳоли хонадонларини айни совуқ кунлар олдидан иссиқлик билан таъминлаш мақсадида арзонлаштирилган кўмир масъуллар томонидан ҳар бир оилага белгиланган меъёрда, ўрнатилган нархларда сотилиши таъминланмоқда.

**Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ СИЛСИЛАСИ



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Уйғоқ руҳли, азму шижоатга тўла бу гап бизни бугунги ислоҳотларни нуктадон зеҳн шодасига териш, янги давр ўзгаришлари моҳиятини теран илғаб олишга чорлаб турибди.

ЎҚ ТОМИРЛАР ЖЎШҚИНЛИГИ

Инсоният ўз елкасида доим тирикчилик қайғусини кўтариб келади. Бу сўз кундалик феълимизга шу қадар сингиб кетганки, ҳатто уни ўзаро муносабатларимизга енгил кўчирамиз: “Тирикчилик, дўстим, тирикчилик”, дея кулиб қўямиз.

Аммо моҳият-мазмунига кўра, бутун ҳаётимиз, миллий давлатчилик принциплари, фоний дунёчилик ташвиши, умуман, инсонийлик онги замирида ана шу қайғу доим бирламчи аҳамият касб этган, ҳаёт саҳнасида лов-лов ёниб турган. Ва бу ҳамиша ўзни, ўзликни англаш толеси билан ёнма-ён яшаган.

Бундан айтар муддао шуки, тирикчилик — замон билан ҳамнафаслик, дегани. Ўзликни англаш эса — танадаги нафсни муқаддас тушунчалар ва инсонга хос характерлар билан қуршаб боришдир. Шунда табиатда буюк мувозанат ҳодисаси пайдо бўлади. Акс ҳолда, жаҳолатга йўл очилади.

Давлатимиз раҳбари кечаги мажлисда **“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”,** деди.

Бундоқ ўйлаб қарасак, биз юқорида ҳаёт моҳиятини изоҳлашга уринаётган барча фикрлар ана шу иккита гап замирида ўз қувватига эга эканини тушуниб етиш мумкин. Демак, муқояса қилсак, **иқтисодиёт — тирикчилик, маънавият — ўзлик** экан.

Бугун юксалиш йўлининг мураккаб чорраҳасидан ўтиб, навбатдаги катта йўлга тушган янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий ҳамда фалсафий эврилишларидан таралаётган оҳанглар бизга, халқимизга, умуман, кенг дунё жисмига янги-янги ахборотларни сингдирмоқда.

Булар нималарда намоён бўлади? Миллий тараққиётимизнинг аввал ҳеч кузатилмаган мутлақо янги даври — ўтган саккиз йил мобайнида биз нималарга эришдик?

Ушбу саволларга биз, юқорида айтганимиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий ҳафта аввалидаги учта нутқидан жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Бу ҳақда сўз юритишдан олдин, яна бир ўринли мулоҳаза ёдга тушди.

2016 йил якунланиб бораётгандаги гап. Президентимиз бутун халқимиз учун мутлақо кутилмаган, ўйлаб ўйига келмаган катта ислоҳотларга тамал тошини қўйган вақтлар эди. Яқин-йироқ давлатлар нигоҳи Ўзбекистонга қадалган ўша чоғлар кўпчилик халқаро таҳлилчилар, сиёсатшунос олимлар, минтақашунос экспертлар **Шавкат Мирзиёевга ўта оғир сиёсий ва иқтисодий мерос қолгани ҳақида фикрлар билдирганди,** мамлакатда бошланган ислоҳотларга ишончсизлик билан қараганлар ҳам кам эмасди.

Ҳозир буни дафъатан эслаганимиз боиси шундаки, биз аввал-бошданоқ маррани баланд олдик. Олдимизга катта-катта мақсадлар қўйдик, ҳаётимизни улкан режалар билан қуришга киришдик. Чунки олдимизда бошқа йўл йўқ, шундоқ ҳам узоқ вақт бой берилган йиллар заҳматига барҳам бериш керак эди.

Бугун биз эришган натижалар бундан саккиз йил олдинги кўрсаткичлардан ер билан осмонча фарқ қилади. Озгина муболаға билан айтадиган бўлсак, шу саккиз йилда саксон йиллик ишни уддалай олдик.

Биз иқтисодчи эмасмиз, шу боис, рақамлар тилида гаплашишда қийналамиз. Аммо баъзи рақамлар оддий одамларни ҳам ўйлантириб қўйиши бор гап. Масалан, ўтган йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди, шу тариқа **2016 йилда мамлакатимизда аҳоли жон бошига даромад 1,5 минг доллар атрофида бўлса, ҳозир 3 минг долларга етиши кутилмоқда.**

Бу бутун мамлакат бўйлаб яшаш сифати икки карра яхшиланди, юртдошларимиз ҳаёти, саккиз йил олдинги давр билан солиштирганда, икки баробар фаровонлашди, дегани.

> **Агар кимдир четдан келиб, Ўзбекистон ўтган саккиз йилда нимага эришди, дея савол берса, жавобимиз шудир: биз ўтган даврда ҳамжиҳатликда, биргаликда ҳаракат қилиб, улкан марраларни забт этишга эришдик. Бунинг асоси нима, дейишса, яна айтамиз: маънавий юксалиш ҳодисаси. Қалбимизда бир бутун халқ туйғуси уйғонгани.**



Ёки яна бир мисол келтирайлик. **Яқинда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маърузада Ўзбекистон 2024 йилда Европа ва Марказий Осиё минтақасида ялпи ички маҳсулотнинг энг юқори ўсиши кузатилаётган уч давлатдан бири сифатида эътироф этилди.**

Шундай бўлишини ҳеч хаёлимизга келтирганмизми? Менимча, йўқ.

Хўш, дунё иқтисодиёти ва мамлакатлар ривожида ўзига хос ўринга эга обрўли халқаро ташкилотнинг юртимиз ҳақида бундай хулосага келишига нима сабаб бўлди?

Айтиш керакки, бунга, аввало, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар сабаб. Чунки бутун мазмун-моҳияти юқоридан пастга, яъни халқ орасига кириб боришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Аниқ мақсадли чора ва режалар, мулоқотлар орқали жамият ҳаёти чуқур таҳлил қилинди. Содда қилиб айтганда, одамлар турмушининг пасту баланди атрофлича ўрганилди. Таҳлил ва ўрганишлар амалий ҳаракатларга кўчди.

Шуларни ўйлаб, бугунги ҳаётимизни ўтган давр билан таққослаб яхши яшашга завқимиз юз чандон ошади-да, ахир. Лекин бу ҳали биз учун марра эмас. Олдимизда жуда катта имкониятлар, мақсадлар бор.

Ҳаётда турфа тақдирга эга одамлар бўлади. Улар феълига яраша яшайди. Яхшини, яхшиликни гапирсанг, ёмонликка йўядиганлар ҳам топилади. Аммо ҳозир бизнинг мақсадимиз бошқа: адолат нуқтаи назаридан гапириш.

Шунинг билан бошқа мавзуга ўтамиз. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида **“Баъзи халқлар учун бир кунни, бир дақиқани тинч ва осойишта ўтказиш орзу-армонга айланмоқда”,** деди.

Замонни қоралама, дерди ота-боболаримиз. Бу ҳикматни энди-энди англаб етяпмизки, замонни қурувчи ўзимиз эканмиз. Бунда, юқорида айтганимиздек, нафсни тарбиялаш, ўзлик моҳиятини қувватлантириш ҳаёт-мамот масаласига айланиб бораверади.

Шукроналикда гап кўп. Мана қаранг, жонажон юртимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда. Кун сайин замон билан ҳамнафас, табиат билан уйғун, келишиб яшаш йўлидамиз.

Аллоҳ берган неъматлардан унумли фойдаланишимиз керак. Фақат табиат қонунларига қарши чиқмаган ҳолда. Бунинг тагида гап кўп, фалсафаси буюк.

Президентимиз 2025 йилни мамлакатимизда **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”,** деб эълон қилди. Бу ўз-ўзидан, тасодифан билдирилган таклиф эмас. Бунинг замирида биз ҳозир айтаётган фикрларга қанчалик ҳамоҳанглик борлигини кенг мушоҳада қилиб кўришимиз керак бўлади.

“Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Зеро, табиатни асраш — инсонни асраш демакдир”, деди давлатимиз раҳбари.

“Она — табиат — инсон” ҳалқаси ёруғ оламдаги тириклик асосидир. Бу уч хилқатсиз дунё ўз мақомини йўқотади, моҳиятан ва шаклан ўзга бир дунё пайдо бўлади. Шу боис, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанат бузилмаслиги тарафдоримиз.

Бугун биз ана шу йўлни танламоқдамиз. Келинг, фикримизни бир мисол билан изоҳлайлик.

Янги Ўзбекистон ташаббускори — Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида каналларда йилига 13 миллиард куб метр (33 фоиз) сув йўқотилаётганини айтган эди.

Бундай шароитда нима қилиш керак? Ечим айтилди: агар каналлар бетонланса, йўқотишлар сезиларли даражада камаяди.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди, бетонлаш ишлари каттагина маблағ сўрайди. Шу маблағ ўзини қоплайдими? Қоплар экан. **Бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Натижада уларда кичик ГЭСлар қуриш ва бу орқали муқобил энергия ишлаб чиқариш мумкин. Бу ички имкониятдан унумли ва ўз ўрнида фойдаланиш дейилади.**

Сезяпсизми, булар мамлакатимизда аниқ ва пухта режалар асосида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беряпти. Бугунги ва эртанги тараққиётимизга дахлдор тасаввурларимизни янада бойитяпти. Моҳиятни чуқур англаш эса ислоҳотлар самарадорлигига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Дарвоқе, самарадорлик ҳақида. Давлатимиз раҳбари **камбағаллик даражасига тушиб қолган одамларнинг онгини ўзгартириш, уларда эртанги кунга ишонч ва келажакка интилиш ҳиссини уйғотиш** ҳақида ҳам гапирди. Ишни маҳаллабай ташкил қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича навбатдаги катта марра белгилаб олинди.

Инсон онгини ўзгартириш осон иш эмас. Айниқса, у тушунлик гирдобида бўлса. Аммо ҳамма ишни уддаласа бўлади. Буни мамлакатимизда амалга оширилаётган айрим саъй-ҳаракат самараси мисолида кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон туманларида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижалари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастури қабул қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин эътибор қилинг, дастур номининг ўзиёқ кишида эртанги фаровон кунларга умид ва кўтаринки кайфият улашади.

Президентимиз ташаббусига кўра, эндиликда кўп қиррали ёндашувлар асосида камбағаллар аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий аҳволи оғир маҳаллаларда инфратузилма яхшиланади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, камбағал оила фарзандлари сифатли таълим олса, олий маълумот, касб-ҳунар эгалласа, эртага у бутун бошли оиласини тушкун муҳитдан олиб чиқиб кетишга қодир бўлади.

> **Бугун биз эришган натижалар бундан саккиз йил олдинги кўрсаткичлардан ер билан осмонча фарқ қилади. Озгина муболаға билан айтадиган бўлсак, шу саккиз йилда саксон йиллик ишни уддалай олдик.**
> **Биз иқтисодчи эмасмиз, шу боис, рақамлар тилида гаплашишда қийналамиз. Аммо баъзи рақамлар оддий одамларни ҳам ўйлантириб қўйиши бор гап. Масалан, ўтган йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди, шу тариқа 2016 йилда мамлакатимизда аҳоли жон бошига даромад 1,5 минг доллар атрофида бўлса, ҳозир 3 минг долларга етиши кутилмоқда.**

Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиши эса, аввало, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолини доимий ва даромадли иш ўрни билан таъминлаш, деганидир.

Умуман олганда, бу каби иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар кўлами жуда кенг. Улар ҳақида соатлаб гаплашиш мумкин. Лекин шу нарсани аниқ ва лўнда айтиш мумкинки, мамлакат тараққиётини, ҳаёт тарозиси мувозанатини таъминловчи куч бу — иқтисодиёт. Унинг ҳар тармоғидаги ўзгариш барчамизнинг ҳаётимизда сезиляпти. Буни сезиш учун эса кишида таҳлил қила олиш қобилияти бўлиши керак, холос.

Ўзбекистоннинг бутун дунёда нуфузи юксалиб бораётгани ҳам таҳлилга арзирли ютуқдир. Бугун дунё Ўзбекистонни ташаббускор давлат сифатида билмоқда ва тан олмоқда. Ўтган даврда бевосита Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 11 та резолюция қабул қилингани ҳам янги Ўзбекистон солномасида тарихий ҳодисадир.

Бу ҳам тасодиф эмас. Ҳар бир эътироф ўз асосига эга. Боиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун инсоният тақдирига дахлдор ташаббусларни илгари суряпти. Бундан дунё мамлакатлари, ер юзи аҳолиси манфаатдор. Шу маънода, бизнинг Президент дунёнинг қайси мамлакатига бормасин, қайси бир халқаро нуфузли тадбирда иштирок этмасин, нафақат олий мартабали шахслар, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, балки ўша мамлакат одамлари ҳам у кишини жуда катта эҳтиром ва ҳурмат билан кутиб олади.

ҚАЛБИМИЗДА БИР БУТУН ХАЛҚ ТУЙҒУСИ БОР

Биз бугун “таъсирлар” оғушидан чиқиб кетдик. Ўз йўлимизни топдик ва шу йўлда дадил, азму шижоат билан кетиб боряпмиз.

Агар кимдир четдан келиб, Ўзбекистон ўтган саккиз йилда нимага эришди, дея савол берса, жавобимиз шудир: **биз ўтган даврда ҳамжиҳатликда, биргаликда ҳаракат қилиб, улкан марраларни забт этишга эришдик.**

Бунинг асоси нима, дейишса, яна айтамиз: **маънавий юксалиш ҳодисаси. Қалбимизда бир бутун халқ туйғуси уйғонгани.**

Бу қутлуғ ҳодиса инсон қалбини поклайди. Юраги тоза одам ватанпарвар бўлади. Ҳозиргидай таҳликали даврда энг яхши ҳимоя воситаси — ватанпарварлик руҳида камол топган юксак салоҳиятли кадрлардан иборат аҳил жамиятдир.

Мамлакатимизда ёш авлодни юртга садоқат, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ҳозир халқаро майдонда миллий эгоизм авж олди. Инсоний фикратга зид бўлган ёт ғоялар, мафкуравий курашларнинг тури ҳам, усуллари ҳам кўпайди.

Бундай вақтда аҳолисининг катта қисми ёшлардан иборат бўлган мамлакатлар ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Негаки, улар ёшларга тўғри ва сифатли таълим-тарбия бериш орқали бебаҳо бойлик — инсон капиталига эга бўлади.

Янги Ўзбекистонда инсон капиталини юксалтириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар аввалида одамларни рози қилишга жиддий эътибор қаратилди. Барча даражадаги масъул раҳбарлар халқнинг хизматчисиман, деган масъулият билан фаолият юритишни бошлади.

Кейинги йиллардаги ислоҳотлар сабаб мавжуд масалалар маҳалланинг ўзида ечим топа бошлади. Шу тариқа бирламчи, маиший масалалардан бир поғона юқорига кўтарилдик.

Буни бежиз таъкидлаётганимиз йўқ, маиший масалалар билан банд инсонларда улкан орзулар бўлмайди. Халқни улуғ мақсадларга бошлай олиш, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончга боғлиқ. Ана шундай ишонч билан мустаҳкамланган жамиятда бирдамлик, ватанпарварлик руҳи жадал шакллана боради. **Бу буюк ҳодисани халқимиз бугун бевосита Президент Шавкат Мирзиёев феномени билан улуғлайди.**

Иқтисод ва маънавият иккита устун экани бежиз айтилмади. Ҳаёт ҳақиқати шуки, бу устунлар юрт равнақи, халқ манфаати учун хизмат қилади. Гўёки қуш қанотлари парвоз ишончли ва бардавом бўлишини таъминлаганидек, бу қўш устун ҳам бир-биридан қувват олади.

Тарих гувоҳ, иқтисодий жиҳатдан юксалган, аммо ахлоқсизлик, маънавий таназзулга юз тутган империялар қисқа вақтда пароканда бўлган. Бундай ҳолатларни юксак тафаккур билан таҳлил этган қадимги донишмандлардан бири Помпоний **“Айримлар шу қадар зулматга ботганларки, ёруғликдаги ҳамма нарсани ноаниқ кўрадилар”,** дейди.

Ёруғликдаги нарсаларни ноаниқ кўриш — эртанги кунга бўлган ишончнинг йўқолишидир. Ишонч йўқолган жойда фитналар авж олади. Мақол оҳанги билан айтганда, етсанг кўролмаслар, етмасанг беролмаслар кўпаяди.

Ютуқларимиз сабаби дастлабки кунлардан халқимиз онгида ўша ишончни амалий ишлар орқали оқлай олганимизда бўлди. Энди бу ишларни янги даврга мос тарзда давом эттирмоқчимиз. Зеро, ёшлар, умуман, бутун жамиятда юрт учун бор қувватини сарф этишга тайёр бўлиш ана шу ишончга боғлиқ.

Бунинг учун, аввало, иқтисодий масалаларни ҳал этишга жиддий эътибор берилди. Масалан, оилавий тадбиркорлик, ҳунар ўрганиш учун жуда катта имтиёзлар, имкониятлар яратилди. Ҳатто иккита иш ўрни яратган тадбиркор давлат раҳбари эътиборидаги шахс бўлиши бот-бот такрорланди.

Тарихда илк бор **янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланди.** Шу билан бир қаторда таълим олишга кенг имкониятлар яратилди. Ёшлар, айниқса, хотин-қизларнинг олий маълумот олиши учун имтиёзлар, қабул квоталари оширилди.

Фактларга мурожаат қилсак, ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳ ташкил этилди. Натижада болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш 74 фоиздан, ёшларнинг олий таълимга жалб қилиш улуши 39 фоиздан ошди. Қисқа вақтда бундай катта кўрсаткичга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Биргина нодавлат МТТ фаолият кўрсатишни бошлаган пайтдан бошлаб 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинди. Бундан ташқари, улар ДХШ тўғрисида битим тузилган кундан бошлаб 2 йил муддатга — тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган асбоб-ускуналар, инвентарь, ўқув қўлланмалари ва ўйин зоналари учун божхона тўловларини ҳам тўламайди. Агар ҳисоб-китоб қилинса, булар жуда катта миқдордаги маблағга айланади.

Бу биргина хусусий боғчалар учун берилган имтиёзлардан иккитаси, холос. Саноқни, ўқитувчиларнинг маошини ошириш, минглаб таълим даргоҳларининг таъмирланиши, илмий даража олишдаги имтиёз ва имкониятлар кенгайиши каби жиҳатлар билан узоқ давом эттириш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, навқирон авлод китобхонлиги учун юксак мукофот билан тақдирланадиган бўлди. “Ёш китобхон”, “Китобхон оила” танловлари мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ҳақли равишда китобхонликнинг энг фаол тарғиботчиси, дея эътироф этилди. Демоқчимизки, ислоҳотларнинг дастлабки давридаёқ барча жабҳаларда узоқ истиқболга мўлжалланган аниқ режалар белгилаб олинган эди. Бу ўзгаришлар орқали Учинчи Ренессанс пойдеворини яратяпмиз. Бунинг учун юқорида айтилганидай, жуда кўп асослар яратилди.

Замон тезкор, давр билан ҳамнафас бўлиш осон эмас. Шундай вақтда бошланган ислоҳотларни жадал давом эттириш, муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш зарур. Бунинг учун бугунимизга муносиб тарздаги ислоҳотларнинг янги даврини бошлаш эҳтиёжи бор эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида илгари сурилган ташаббуслар том маънода ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Эътиборлиси, янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни яратиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши кўзланмоқда. Бунинг учун, аввало, ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш зарур. Мақсадлар амалий қиёфа касб этиши учун эса ёшларга оид давлат сиёсати такомиллаштирилади.

“Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади”, деди давлатимиз раҳбари. Янги Ўзбекистондаги иқтисодий юксалишни маънавий қудрат билан бойитишга қаратилган ислоҳотлардан шундай ёшларни камол топтириш, жонкуяр зиёлиларни олдинги сафга чиқариш кўзланган. Бунинг учун кўпмиллатли халқимиз ягона Ватан, аҳил оила бўлиб олға интилмоғи лозим. Бугун халқаро майдонда ва ички сиёсатимизда илгари сурилаётган ташаббуслар, олиб борилаётган ислоҳотлар қалбимизда бир бутун халқ бўлиш туйғусини уйғотишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

Зеро, юксак маънавиятли жамиятда одамлар қонунларга оғишмай риоя қилади. Натижада турли қонунбузарликлар камаяди. Ҳалол меҳнат қиладиганлар сафи кенгаяди. Бу барқарор иқтисодиётни таъминлайди. Қолаверса, ҳар бир инсоннинг ишга, меҳнат қилишга бўлган муносабати маънавий дунёқарашига боғлиқ. Маънавиятли инсонлар ўз ишини масъулият билан бажаради, бу эса умумий ишлаб чиқаришни оширади. Айни пайтда бундай инсонлар билим олишга, янги технологиялар яратишга ва замон билан ҳамқадам бўлишга интилади. Бундай сифатлар ўз-ўзидан жамиятда инсон қадрини оширади. Ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, иқтисодий ўсишнинг изчиллигини таъминлайди.

Бунинг учун қонуний асосларни мустаҳкамлаб олдик. Мамлакатимизда янгиланган Конституциямизга мувофиқ илк бор парламент сайловини аралаш сайлов тизимида ўтказдик. Кўплаб давлатларда бундай ислоҳотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлади. Аммо биздаги шиддат, янгиланган жамиятимиз ва халқимизнинг ўз тақдирига ишонч руҳи бу йўлда бизга катта куч, зўр мотивация берди, дейишимизга бугун тўлақонли ҳақлимиз.

Яна бир гап, бугун биз ҳар бир ютуққа эришишда буюк халқимизга таянамиз. Буюк халқнинг иқтисодиёти ҳам буюк бўлади. Бир ёқадан бош чиқариб, барчамиз бирлашиб ҳаракат қилишимиз керак. Бундай тарихий имкониятлар илгари ҳаммамизга орзу эди. Бугун эса бу орзуларни амалга ошириш имкониятлари юзага келди. Мана шу қутлуғ йўл ҳар бир юртдошимиз кўксида навбатдаги ёрқин орзу-умидлар нишони бўлиб порлагай.

Кооператив аъзоларининг энг кам сони 7 нафар жисмоний ёки юридик шахс этиб белгиланмоқда. Қолаверса, у манфаатларидан келиб чиққан ҳолда топ менежерларни, халқаро экспертларни, малакали мутахассисларни ёллаши мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 22 ноябрь, 237-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Аграр тармоқ

КООПЕРАТИВЛАР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ҚАНЧАЛИК НАФ КЕЛТИРАДИ?



Соатмурод ҚУЛМИРЗАЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департамент бошлиғи

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида тўлиқ бозор механизмларига асосланган янгича тизим яратилиб, ривожлантириляпти. Шу жиҳатдан олганда, жорий йил 8 ноябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида"ги қонун соҳа ривожига қаратилгани, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлагани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, янги кооператив тизимида қишлоқ хўжалиги мулкдорлари, айтайлик, фермер хўжаликлари ёки деҳқонлар ўзаро бирлашиб ишлаши бир хўжалик имкони етмаган масалаларни ҳамкорликда ҳал этиши мумкин.

Ҳўш, қонун қабул қилинишига зарурат нимада эди?

Кейинги пайтларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, одамларни ишли ва даромадли қилиш мақсадида аҳолига 260 минг гектар ер ажратилди. Натижада ҳудудларда минглаб деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, мазкур хўжаликлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишни тақозо қилмоқда.

Жумладан, 2021-2024 йилларда 785,5 мингдан ортиқ янги деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Шунингдек, ҳозир юртимизда 5,6 миллиондан ортиқ бошқа қишлоқ хўжалиги субъекти (671 та агрокластер, 91,7 мингта фермер хўжалиги, 5,5 миллион томорқа ер эгаси) фаолият юритмоқда.

Кооператив аъзолар ҳамкорлигини кенгайтириб, муаммоларга биргаликда ечим топишда катта ёрдам беради. Йирик экспортчилар ҳар бир маҳсулот етиштирувчи билан алоҳида-алоҳида эмас, балки уларни бирлаштирган кооператив билан шартнома қилади. Натижада "бир контур — бир маҳсулот" асосида экин жойлаштирилиши таъминланади.

Кооператив аъзоларининг зарур моддий ресурсларни улгуржи харид қилиши, комплекс маркетинг ва логистика тизимлари яратилиши ҳисобига харажатлар 35-40 фоиз қисқаради. Масалан, Германияда 5-10 йиллик таҳлилларга кўра, кооперативлар харажатлари ўртача 35 фоиз қисқарган.

Бизда 1998 йилда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонун бор эди. Лекин у маънан эскирган, замонавий корпоратив бошқарув талабларига мос келмайди, бошқарув эски колхоз тизимига асосланган.

Қонунга зарурат борлигини ўрганиш, қонун лойиҳасини мукаммал ишлаб чиқиш мақсадида ҳудудлардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш юзасидан 20 та туманда 15 минг 400 ишлаб чиқарувчи ўртасида сўровномалар ўтказилди. 18 та туманда махсус семинарлар ташкил этилди. Кооператив қонунчилиги бўйича германиялик халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий олимлар, етук мутахассислар ва бевосита ишлаб чиқарувчилар жалб этилди.

Қонун 60 моддадан иборат бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолияти билан боғлиқ барча масалалар ва тўғридан тўғри амал қилувчи нормалар қамраб олинган. Аввало, қишлоқ хўжалиги



кооперативи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш учун пай усулига, жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг



ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган мустақил тижорат ташкилоти экани мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

У ўз фаолиятида халқаро умумэътироф этилган тамойилларга асосланади. Ихтиёрий ва очиқ аъзолик, аъзолар томонидан демократик назорат, иқтисодий иштирок, кооперативлар ўртасида ҳамкорлик, жамият учун ғамхўрлик принциплари шулар сирасига киради.

Бундан ташқари, маҳсулотларни экишдан то бозорга чиқаришгача бўлган жараёнда ўзига хос занжир яратилади. Кооператив фаолиятини янги форматда ташкил қилади. Аъзоларига зарур ресурсларни етказиб, агрономия, бухгалтерия хизматлари кўрсатади, сертификатлар олади ва маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга чиқаради. Яъни кооперативнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатишдир. Улар маҳсулот етиштириш ва унга қўшилган қийимат қўшиш билан бирга, ўз аъзоларига зарур моддий ресурсларни етказиб бериш, маркетинг ва логистика хизматларини ҳам таклиф қилади.

"ЙИРИК ЭКСПОРТЧИЛАР ҲАР БИР МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИ БИЛАН АЛОҲИДА-АЛОҲИДА ЭМАС, БАЛКИ УЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КООПЕРАТИВ БИЛАН ШАРТНОМА ҚИЛАДИ. НАТИЖАДА "БИР КОНТУР — БИР МАҲСУЛОТ" АСОСИДА ЭКИН ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ.



Кооператив аъзоларининг энг кам сони 7 нафар жисмоний ёки юридик шахс этиб белгиланмоқда. Қолаверса, у манфаатларидан келиб чиққан ҳолда топ менежерларни, халқаро экспертларни, малакали мутахассисларни ёллаши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини вертикал етказиб бериш занжирларини яратиш мақсадида интеграциялашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари тузилади. Ушбу янги норма маҳсулотни қайта ишлаш, сотиш ва экспорт қилиш бўйича муваффақиятли агробизнеснинг асосини яратиш имконини беради.

Инвестиция киритувчи аъзо кооператив фаолиятида бевосита иштирок этмайди, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Ваколат берилган вакил 200 дан ортиқ аъзога эга бўлган кооперативда бир гуруҳ аъзолар томонидан сайланиб, уларнинг номидан иш юритиш ҳуқуқига эга. Кооперативлар йиллик аудит текширувидан ўтказилади. Аудитор нафақат молиявий-иқтисодий ҳолатни аниқлаши, балки фаолиятида учраётган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда маслаҳат хизмати кўрсатади.

Бу борада давлатнинг ҳам ўзига хос вазифа ва мажбуриятлари мавжуд. Жумладан, аграр иқтисодий сиёсат орқали қулай муҳитни таъминлаш, рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш давлатнинг зиммасида.

Халқаро доирада, хусусан, Германия, Франция ва Японияда кооперативларнинг имижи ижобий. Уларда тайёрланадиган маҳсулотларга талаб юқори. Умуман, 100 дан ортиқ давлатда кооператив муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади. Германия, Нидерландия, Италия, АҚШ, Канада, Хитой, Япония ва Жанубий Кореяда кичик ишлаб чиқарувчиларнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги кооперативлари орқали хомашё олади, хизматлардан фойдаланади ва ўз маҳсулотларини бозорга чиқаради.

Германияда 1998-2023 йилларда фаолиятини интеграциялаш орқали қишлоқ хўжалиги кооперативлари 25 мингтадан 2,3 мингтага бирлашган, барча аъзолар сони 1,4 миллионни ташкил қилади. Италияда "Понтасиево" виночилик кооперативи узум етиштириш ва вино тайёрлаш билан бирга аъзоларини кредитга уй-жой билан таъминлайди. Болаларни тарбиялаш, ўқитиш ва даволаш хизматларини ҳам кўрсатади.

Қонун билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини тартибга солувчи нормалар биринчи марта ягона, кенг қамровли ва осон тушунарли тарзда ҳуқуқий ҳужжатда бирлаштирилди. Бу кооператив муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солади. Қонун ҳужжатларидаги зиддият ва бўшлиқларни бартараф этади. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини, ўз ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, уларни профессионал ва демократик йўл билан бошқариш ҳамда қишлоқ хўжалигида муваффақиятли фаолият юритишини таъминлайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мунтазам ривожланиб келаётган замонавий кооператив муносабатлар тартибга солинади. Кооперативларнинг ҳуқуқий кафолати яратилади. Жараёнда кластер корхоналари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ўзаро манфаатли тарзда бирлаштиради.

Бозор механизмларини фаол жорий этиш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалигида инвестиция жозибадорлиги ошади. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир жамоа бўлиб муваффақиятларга эришиш, ўз-ўзига ёрдам бериш кўникмалари шаклланиб, манфаатлари таъминланишига шарт-шароитлар яратади.

Агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва бошқа субъектларнинг кооперация муносабатларида иштироки фаоллашади. Ташиш, сақлаш, қадоқлаш, товар сифатини назорат қилиш бўйича хизматлар ривожланади ва улардан фойдаланиш имконияти кенгаяди. Комплекс маркетинг ва логистика тизимлари яратилиши эса ички ва янги ташқи бозорларга чиқиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг воситачилик вазифаси орқали агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик кенгаяди. Муаммоларга биргаликда ечим топилади. Йирик экспортчилар ёки ишлаб чиқарувчилар ҳар бир маҳсулот етиштирувчи билан алоҳида-алоҳида эмас, балки етиштирувчиларни бирлаштирган кооператив билангина ишни ташкил қилади. Ўзаро мувофиқлашган фаолият туфайли жаҳон бозорига чиқишга йўл очилади. Сифат сертификатлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш имконияти ошади.

Маҳаллага саноат кириб келди ва ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНДИ

Камбағалликдан фаровонлик сари

Бу оилани кўпдан бери биламан. Қурбонали ака Риштон туманидаги кулолчилик корхонасида маҳсулот пиширувчи, Лобархон опа тўқимачилик корхонаси ишчиси эди. Ўтган асрнинг охирларида улар меҳнат қилаётган ҳар икки корхона иқтисодий қийинчилик туфайли банкрот бўлиб, фаолиятини тугатди, иш ўринлари қисқарди. Ўз касбининг усталари бўлган мутахассислар "кўча"да қолди. Бир этак боласи билан ишсиз қолган оила тирикчилик илинжида турли юмушларни бажариш, рўзғорнинг қора қозонини қайнатиш тараддудига тушди.



Оилабоши иш излаб чет элга кетди. Мактабни энди тамомлаган Сайфиддин ҳам отаси изидан ишга отланди. Сал вақт ўтиб, кенжа ўғил Сирожиддин ҳам хорижда ишлаб, рўзғорга ёрдам бериш ҳаракатига тушди. Оила меҳнатига яраша бирмунча пул ҳам топди. Аммо "қўлдан берганга қуш тўймас", дейилганидек, топгани рўзғорнинг кам-кўстидан ортмасди...

Кейинги йилларда ҳунармандлик, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар оиланинг ҳам ҳаёт тарзини ўзгартирди. Ота-она, икки ўғил бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиб, чинни буюмларга гул солиш, пиширишни йўналишида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, 20 га яқин иш ўрни очди.

— Маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган чинни маҳсулотларининг бозори чаққон. Ҳар ойда 10 турдаги 80 минг донадан ортиқ чинни буюмга безак бериб, сотяпмиз, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Сайфиддин Ўтанов. — Ўн йилга яқин муддат чет элда ишлаб, биримиз икки бўлмади. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимиздан буён ҳаёт тарзимизда ўзига хос ўзгаришлар юз берди. Энди нафақат ишли бўлдик, балки маҳалладошларимизни ҳам доимий иш билан таъминладик. Шу йилнинг ўзида яқин қўшни мамлакатларга 40 минг доллардан зиёд чинни буюмлар етказиб беришни кўзлаб турибмиз. Буларнинг барчаси меҳнат ва изланишларимиз, яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар самараси.

Риштон туманидаги "Тўда" маҳалла фуқаролар йиғини саноатлашиб бораётган ҳудуд сифатида кўпнинг эътиборига тушди. "Маҳалла еттилиги" қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш, имкониятларни кенгайтириш орқали ўзини ва бошқаларни банд қилишга эришиш, маблағлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш ишларини тизимли бажармоқда. Шу кунга қадар саноат йўналишида 44 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 260 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. "Бизнесга бир қадам" лойиҳаси асосида ишсиз 22 кишига 17 миллион сўмдан кредит ажратилди. Бу каби амалий мисоллар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда. Маҳалла ҳудудида "Тўда" кичик саноат зонаси очилди. Бу ерда кулолчилик ва чиннига безак бериш йўналишларини қамраб олган 10 та истиқболли лойиҳа ишга туширилди.

Тадбиркор Мирзоҳид Турсунов асос солган "Жавоҳир керамика" оилавий корхонаси ана шундай лойиҳалар сирасига киради. Соз тупроқдан кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқда 50 дан ортиқ доимий иш ўрни очилди.

— Ишсизлигим туфайли "Аёллар дафтари"га киритилгандим, — дейди Ўғилой Қобилова. — Дастлаб саноат касб-ҳунар мактабида тикувчиликни ўрганиб, сертификат олдим. Кейин менга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Бу уй юмушлари, фарзанд тарбиясини ташлаб қўймаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини берди. Маҳаллий хомашёдан кўрпа-тўшак, ошхона анжомлари тайёрлаяпман. Айни кунда фаолиятимни кенгайтириб, касаначилик асосида қўшимча иш ўринлари очдим. Шу тариқа ўзимни ўзим банд қилдим, рўзғоримизга қут-барака кирди. Ҳамма нарсага меҳнат ва изланиш билан эришса бўлар экан. Буни ҳаётий тажрибамда синаб кўряпман.

Йил аввалидаги сарҳисобларга кўра, меҳнат миграциясида бўлган 80 нафар ёшдан шу кунга қадар 30 нафари яқинлари бағрига қайтиб келиб, кафолатли иш ўринлари билан таъминланди. 231 ёш ҳамда хотин-қизларга ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредит ажратилди, 110 хонадон томорқасида лимончилик, сабзавотчиликка ихтисослаштирилган янги иссиқхоналар қуриб берилди.

— Кулолчилик ва чинни буюмларга безак бериш маҳалламизнинг ўсиш нуқтаси этиб белгиланган, — дейди ҳоким ёрдамчиси Айюбхон Абдуллаев. — Айни кунда 1236 та оила бу иш билан шуғулланади. Бугун ҳудудимизда расмий рўйхатга олинган 6 нафар ишсиз бор. Уларни ҳам фойдали меҳнатга жалб этиш чораси кўрилмоқда. Маҳалламизни ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Шу кунга қадар саноат йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ташаббускорларга умумий қиймати 701 миллион сўмлик кредит берилди. Сайхунобод ва Уйчи тажрибаси ҳам оммалашмоқда. Бу йўналишда 900 миллион сўмлик сармоя жалб этилди. Шу ишлар билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Ҳаётда, оилада ўз ўрнини топган, ҳурмат-эътибордаги нуронийлар, маҳалла фаоллари, ташаббускор ёшлар билан аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш учун берилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боряпмиз. Зеро, пул осмондан тушмайди. Унга меҳнат ва изланиш орқали эришиш мумкин.

Янги ишлаб чиқариш, савдо ва сервис кўрсатиш тармоқлари кенгайди. Фарғона — Қўқон катта автомобиль йўлининг маҳалла ҳудудидан ўтган қисмида қурилиш маҳсулотлари сотиш, ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган ўндан ортиқ саноат тармоғи, умумий овқатланиш шохобчалари ташкил этилди. Натижада 110 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Яқингача қишлоқда ичимлик сув йўқ эди. Ер ости сизот суви кўтарилгани томорқачилик ривожига салбий таъсир кўрсатиб келган. Ўтган йиллар давомида бу муаммони бартараф этиш чораси кўрилди. Жаҳон банки ҳомийлигида ер ости сизот суви "кўзи" очилиб, ёпиқ сув иншоотлари қурилди. Таъмирталаб йўллар тузатилди, электр таъминотидаги узилишларга барҳам берилди. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган янги инфратузилма тармоқлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш чораси кўрилмоқда. Янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритқичлар ўрнатилди, 1000 дан ортиқ хонадонга тоза ичимлик сув олиб кирилди. "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси асосида 7 километрдан ортиқ ички йўл асфальт қилинди, шағал ётқизилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Айни кунда саховатпешалар кўмагида ёлғиз она Одинахон Одилова хонадонида таъмирлаш, янги уй-жой қуриш ишлари бажарилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



СОҲАДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ





Шарҳ

Бугун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва рақамлаштириш соҳаси ҳамда электрон давлат хизматлари кўрсатишда юқори натижаларга эришилмоқда.
Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ахборот технологиялари соҳасида экспорт ҳажми 254,4 миллион долларга етказилди. Аҳоли яшаш пунктларини телекоммуникация хизматлари билан қамраб олиш доирасида 21,5 минг километр оптик толали алоқа линиялари тортилди. Халқаро магистрал автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамров даражаси 85 фоизга чиқди. Йил якунига қадар бу кўрсаткични 90 фоиздан ошириш режалаштирилмоқда.



2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармон билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 14 октябрдаги “Рақамлаштириш соҳасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан соҳада янги имконият ва имтиёзлар берилмоқда.

— Фармондан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий ҳамда IT хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қўшимча шароитлар яратишдир, — дейди IT парк директори ўринбосари Жаҳонгир Ражабов. — 2019 йилгача бор-йўғи 20 га яқин хорижий корхона IT парк резиденти бўлган. Жорий йилнинг ўтган даврида улар сони 600 га етди.

Ҳужжатда берилган имтиёзлар, хусусан, календарь йил давомида жами даромади таркибида IT парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари бўйича экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларга, календарь йил давомида ўн саккиз ёшдан ошган битирувчиларининг 50 фоиздан ортиқ қисми резидент бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган IT таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга белгиланган тартибда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2028 йил 1 январдан 2040 йил 1 январга қадар узайтирилгани хорижий инвесторлар ишончини янада ошишига хизмат қилади.

Соҳага эътибор ва рағбат натижасида жорий йил якунига қадар ахборот технологиялари соҳаси экспорти ҳажми бир миллиард долларга етказилади ва 2030 йилгача бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг айрим асосий жиҳатларига эътибор қаратиш жоиз. Фармонга кўра, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларига қўшимча фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатишга рухсат берилади. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасида ташкил этиладиган таълим хизмати доирасида, ушбу хизматдан йиллик умумий даромадининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда, инглиз тили билан бир қаторда бошқа хорижий тилларни ҳам ўқитиш, интернет орқали ахборот хизматларини экспорт қилиш фаолияти доирасида, ушбу хизматдан йиллик умумий даромадининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда, бизнес жараёнлар аутсорсинги йўналиши бўйича таълим фаолияти амалга оширилади. Шунингдек, интернет орқали билим жараёнлари аутсорсинги хизматларини хорижий давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу кунгача ахборот технологиялари технологик парки резидентларига амалда фақат инглиз тилида таълим бериш имконияти мавжуд бўлган бўлса, энди бошқа хорижий тилларда ҳам таълим бериш фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилмоқда. Бу, ўз навбатида, резидентларнинг экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

2025 йил 1 февралдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 миллион доллардан ошган IT парк резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларини кўрсатган, Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузилмаган давлатларнинг юридик шахслари ушбу календарь йил якунига қадар фойда солиғидан озод этилади.

2025 йил 1 февралдан бошлаб 2040 йил 1 январга қадар жами даромади таркибида экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган IT парк резидентларининг таъсисчилари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резидентлари сингари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғининг 5 фоиз ставкаси татбиқ этилади.

Интернет тармоғида юз миллиондан ортиқ аудиторияга эга хорижий ахборот ресурслари ва тизимлари (шу жумладан, веб-сайтлар, платформалараро ресурслар, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар) реклама хизматларидан фойдаланилганда, календарь йил давомида экспорт тушумларининг 10 фоизи доирасида, бироқ 100 минг доллардан кўп бўлмаган миқдорда реклама хизматлари бўйича тўловлар ҳақидаги маълумотлар Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига киритилган тақдирда 2025 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар тажриба-синов тариқасида IT парк резидентларига корпоратив банк карталари орқали реклама хизматлари учун тўловларни амалга оширишга рухсат этилади.

2028 йил 1 январга қадар рақамли технологиялар соҳасида ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилади. Бунда дастур иштирокчиларига IT парк резиденти мақоми берилади.

Фармон билан рақамли технологиялар соҳасидаги хизматлар экспортини ошириш ва мамлакатимизга ушбу соҳадаги хорижий компанияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Сунъий интеллект технологияларини яратиш орқали аҳоли турмуш сифати янада яхшиланади

Бугун дунё кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгармоқда. Замонавий технологиялар турмушимиз, қадриятларимиз, гоҳида эътиқодимизни янги ўзанларга бурмоқда. Айниқса, жадал тараққий этаётган сунъий интеллект соҳаси инсониятга ақл бовар қилмас ютуқларни ваъда этмоқда.

Азалдан онг ва ақл фақат инсондагина мавжуд, у биологик ва ижтимоий асосга эга ҳодиса деб ҳисобланган. Аммо бу тушунча кейинги юз йилда анча ўзгарди.

Юқори даражадаги психика ва тафаккур асосидаги табиий онгдан фарқли ўлароқ, сунъий интеллект аввалдан белгиланган алгоритмлар парадигмаси ва дастурлар комбинациясига асосланади. Яъни бу инсон ақлига таяниб бажарадиган жараёнларнинг машина ва компьютер тизимлари томонидан бажарилиши, симуляция қилиниши. У мустақил, табиий равишда шаклланмаган, балки инсон фаолияти маҳсулидир.



Жорий йил 14 октябрда Президентимиз “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарор ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳужжат билан сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Хусусан, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард долларга, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш назарда тутилган. Сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш, ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш режалаштирилган.

— Сунъий интеллектнинг асосий учта устуни бор, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги департаменти бош мутахассиси Фазлиддин Анваров. — Биринчиси, мутахассис кадрлар. Иккинчиси, катта ҳажмдаги маълумотлар, учинчиси, юқори қувватли ҳисоблаш машиналари. Ана шу мақсадда 2025 йил 1 сентябрга қадар лойиҳалар ва илмий-амалий тадқиқотларни зарур маълумотлар билан таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ахборот хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда “катта маълумотлар” базасини яратиш, 2026 йил 1 майга қадар сунъий интеллект технологияларини жорий этиш лойиҳалари доирасида маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган ҳисоблаш қувватларини ишга тушириш вазифаси қўйилмоқда.

Шунингдек, ҳужжатда сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни ишга тушириш учун техник инфратузилма яратиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида мазкур йўналишдаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Яна бир муҳим жиҳат, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантиришдан иборат.

Қарор асосида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегиясини 2024-2026 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва ижтимоий ва иқтисодиёт тармоқларида шакллантириладиган “катта маълумотлар” рўйхати тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатлар мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий ҳамда ахборот технологиялари хизмати кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини яратиш орқали аҳоли турмуш сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МЕҲР-МУҲАББАТГА ЙЎҒРИЛГАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Инсон қадри учун

БМТ маълумотига кўра, жаҳонда қарийб 150 миллиондан ортиқ бола, яъни беш ёшдан ошган ҳар ўн боладан бири меҳнатга жалб қилиняпти. Қолаверса, миллионлаб болалар оилада, таълим жараёни ёки ҳаётининг бошқа жабҳасида катталарнинг тазйиқи ва зўравонлигига учрамоқда.

ФАРЗАНДЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РЎЁБИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ



Бугун ҳам фарзандни тарбиялаш учун жисмоний куч ишлатилиши зарур деб биладиган ота-оналар етарлича топилади. Зўравонлик болаларнинг нафақат жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир қилади, балки таълим олиши ва ижтимоийлашувини ҳам пасайтиради.

Қолаверса, баъзи оилалардаги турмуш шароити оғирлиги, камбағаллик, глобал миграция каби муаммолар ҳам болаларнинг қаровсиз қолиши, таҳқирланиши ёки эксплуатацияси хавфини оширмоқда. Энг ачинарлиси, кўпинча болалар зўравонлик ҳолатлари ҳақида гапирмайди, натижада ўзларига керакли ёрдамни ололмайди.

Глобал миқёсда кечаётган бу муаммо мамлакатимиз учун ҳам бегона эмас. Юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида катта ишлар қилинаётганига қарамай, бу борадаги камчиликлар ҳам етарлича. Ижтимоий тармоқларда, аввало, ўз яқинлари, қолаверса, бошқаларнинг тазйиқи ва зўравонлигига учраётган болалар ҳақида тарқалаётган хабарлар фикримиз тасдиғидир. Шу боис, бундай муаммоларга қарши курашиш давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Президентимиз шу йил 19 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқида ушбу масалаларга яна бир карра эътибор қаратиб, миллий маданиятимизга хос бўлмаган бундай иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашишимиз шартлигини, бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлишини алоҳида таъкидлади. Прокуратура органлари зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чораларни янада кучайтириши, шундай режа ва ташаббусларни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки жуда муҳим экани қайд этилди.

Мамлакатимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция 1992 йилдаёқ ратификация қилинган. Мазкур халқаро ҳужжат орқали зиммага олинган вазифаларни бажариш мақсадида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда бола ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга эътибор янада кучайди. Янги таҳрирдаги Конституциямизга болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатини кучайтиришга оид янги нормалар киритилди. Болалар меҳнатига барҳам берилди, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ташкилотлар таъсис этилди.

Болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклини бартараф этиш чораси кўрилмоқда. Қизлар учун никоҳ қуришнинг энг кичик ёши 17 ёшдан 18 ёшга оширилди. Бу билан вояга етмаганларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун муҳим қадам қўйилди. Жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ёшнинг қуйи чегараси 13 ёшдан 14 ёшга ўзгартирилди. Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог ва психолог иштироки белгиланди.

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизлик ва эркинликка қарши жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар содир этган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериши, уларни соғломлаштириши, болалар спорти, ижодий ташкилотларида ишлашини тақиқловчи қоида киритилди.

Шу билан бирга, бугун ҳуқуқни қўллаш амалиётида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноий қилмишлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Натижада болаларга, аввало, ўз яқинлари томонидан зўравонлик қилиш, фарзандига етарли даражада ғамхўрлик қилмаслик ҳолатлари учраб турибди. Маълумотларга кўра, охирги 3 йилда 2072 шахс ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Шундан 1777 нафари, яъни 86 фоизи ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлагани учун жавобгарликка тортилган.

Қолаверса, 2024 йилнинг 9 ойида 2301 шахс, яъни 1068 аёл ва вояга етмаган 1233 фарзанди вақтинчалик бошпаналарга жойлаштирилган. Бу муаммолар жамиятимизда оилавий зўравонликларнинг олдини олиш, ундан жабрланганларга ўз вақтида малакали ҳуқуқий, психологик ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишни тақозо этаётир.

Мутахассислар фикрича, юртимизда бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларга қарамай, соҳада айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Оилавий (маиший) зўравонликка нафақат вояга етганлар, балки болалар ҳам дучор бўлмоқда. Аммо амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддаларида оилавий (маиший) зўравонликнинг қурбони бўлиши мумкин бўлган шахслар қаторига болалар киритилмаган. Натижада оилавий (маиший) зўравонликка учраган болаларга нисбатан жиноят ишларини малакалашда тергов идораларида турли муаммолар юзага келмоқда.

2024 йил 21 октябрда қабул қилинган “Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун соҳадаги муаммо ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишда муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу қонун билан тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчи муҳим жиҳат. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Иккинчи муҳим жиҳат. Жиноят-процессуал кодексига оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги аризани суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида эмас, суд муҳокамаси пайтида бериш тартиби жорий қилинди. Яъни оилавий (маиший) зўравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат ишни судда кўриш жараёнида, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги белгиланди.

Бу нега керак? Чунки тергов босқичида эр-хотин ўзаро ярашгани оқибатида айбланувчи томон жазо муқаррарлигини ҳис этмай, бир йил давомида яна қайта зўравонлик содир этиши ҳолатлари кузатилмоқда. 2023 йил ва жорий йилнинг май ойига қадар содир этилган 894 та оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг 55,6 фоизи, яъни 506 таси тарафлар ярашгани муносабати билан тугатилган. Қолган 44,4 фоизи, яъни 388 таси бўйича суд томонидан тегишли жазолар тайинланган. Шу сабабли бундай ўзгартиришлар киритилгани жуда аҳамиятли.

Қонуннинг қабул қилиниши оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилишига, тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳулқига кўрсатиладиган ижобий таъсирнинг кучи янада ортишига замин яратади. Қолаверса, болалар ва хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олдини олиш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

> **Вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизлик ва эркинликка қарши жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар содир этган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериши, уларни соғломлаштириши, болалар спорти, ижодий ташкилотларида ишлашини тақиқловчи қоида киритилди.**

Айни авлод борасида тадқиқот ўтказаётган ва муайян хулосаларга келган олимлар фикрича, “зуммер” авлоднинг ўзига хос ютуқлари билан бирга заиф жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

2024 йил 22 ноябрь, 237-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz





Нуқтаи назар

ЗУММЕРЛАР ёхуд “клип фикрлаш” шаклига ҚОБИҚЛАНАЁТГАН АВЛОД

Рустам БОЙТЎРА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Таълим ва тарбия, маънавият ва маърифат кўҳна, айни пайтда эскирмас мавзулардир. Улар асрлар давомида асосан, ёзма манбалар, таълим муассасалари сабоқлари, ота-она тарбияси, қолаверса, жамоатчилик фикри билан сингдириб келинган. Лекин шиддатли тараққиёт, ўзгаришлар бу борадаги қарашларимиз, таҳлил ва ёндашувларимизни ўзгартириб юборяпти. Чунки тараққиёт давомида янги қиёфадаги авлодлар юзага келмоқда. Ваҳоланки, бу омиллар муттасил янгиланиб турадиган барча авлодлар қиёфасига ҳам тегишли.



АВЛОДЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА “ГАДЖЕТЛАР ОЛАМИ”

Дунё мамлакатлари таълим тизимида ўқувчиларнинг билими яқин вақтларгача ўзгача мезонлар билан ўлчанган. Соддароқ айтганда, уларнинг билими қанчалик кўп нарса ўқигани ва эслаб қолганига, дарсда уларни қанчалик айтиб бера олишига кўра баҳоланган.

Энди эса конвейер ишлаш асри — саноатлаштириш давридан ўтиш юз беряпти. Иш жараёнларини роботлаштириш ва рақамли технология сабабли барча эски ишлаб чиқариш жараёнлари автоматик тарзда бажарилмоқда. Демак, ёшларни ўқиганларини хотирада тўплашга эмас, фикрлашга, маълумотларни мустақил излаб топиш, таҳлил қилиш ва танқидий баҳолашга ўргатиш талаб этилмоқда.

Инсоннинг билим эгаллаши ва шахс сифатида шаклланиши болалик ва ёшлик йилларида илдиз отиб мустаҳкамланади. Янгидан янги техник ва технологик воситалар эса ўзидан аввалгиларидан фарқланувчи янги авлодлар юзага келишига сабаб бўлаётир.

Дунё олимлари узоқ йиллардан буён қарашлари, фикрлаш тарзи, муносабатлари бутунлай бошқача авлод шаклланишига оид муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилиб келади. 1990-йиллар бошида америкалик тадқиқотчилар Нейл Хоу ва Уильям Штраус авлодлар назариясини яратди.

Бу мавзуда сўз юритишдан мақсад шуки, барча ривожланган, аниқроғи, кундалик ҳаётига замонавий технология кириб келган, уларсиз ҳаётини тасаввур эта олмайдиган янги — “рақамли авлод” юзага келди.

Дунё тадқиқотчилари тахминан 1990-йиллар охиридан бошлаб, образли айтганда, “гаджетлар оламида туғилиб, таълим-тарбия топаётганлар”ни шу авлод вакиллари деб хулоса чиқарган. Келинг, ушбу авлодга хос белгилар нималардан иборат эканига эътибор қаратайлик.

> “ЗЕТ” АВЛОДДА ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР ТАРҚОҚ. УЛАР КЛИПЛАР, ҚИСҚА ВИДЕОТАСВИРЛАРГА КЎНИККАН, УЗУН МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ЎЗЛАШТИРИШГА ТОҚАТСИЗ ДЕБ ТАЪКИДЛАНАДИ ШУ МАВЗУГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРДА.



“ДУО ҚИЛИНГ, ГРИН-КАРТАДАН ЮТИБ ОЛАЙ”

“Ёлғонни ўн марта қайтарсанг, бир кун келиб чинга айланади”, мазмунидаги кинояли ҳикмат бор. Фикрлаш тарзи оқсоқ, фейк хабарлардан тортиб, беҳаё сурату қисқа видеоларни тинимсиз кўраётган ўсмир ва ёшларда буларнинг бари тўғри, деган ишонч уйғона бошлайди (тинимсиз томган томчи вақт ўтиб ҳатто тошни ёргани каби).

Буларнинг бари улар онгида одатий ҳолат каби ўрнашиб, таҳлил кўникмасини эгаллашга имкон бермайди, уят ҳиссини йўқота бошлайди. Ҳатто айрим ёшларнинг ҳаётдаги мақсад ва орзулари, интилишлари майдалашиб кетишига олиб боради.

Шу ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва публицист Шодмонқул Салом билан ЎзАнинг YouTube саҳифасига қўйилган видеосуҳбат матнидан парча келтираман. Бу унинг субъектив фикри ва хулосалари:

“...Одамнинг яшаш шароити қанча осонлашса, шунча эркатой, танти бўлиб бораверади. Шунинг учун бугун бир-биридан узоқлашиш, ёлғизлашиш кучайиб, инсон индивидуаллашиб қолди. Ёлғизлик бугун, айниқса, илмий тилда айтганда, “Z” (zet) авлодни қамраб олди. “Z” авлод деганда ҳеч нарсага қизиқмайдиган, ҳеч нарса уни эргаштира олмайдиган авлод тушунилади. Ана шу авлод бугун ёлғизланиб қолди. Ёшликдаги зерикиш хавфли, кексаликдаги зерикиш аламли бўлади. Инсон ёлғизландими, зерикади. Буни ўз вақтида англамаяпмиз. Бу бизнинг катта фожиамиз.

...Рамазон ойи эди. Андижон вилоятига хизмат сафарига боргандик. Оғиз очишга кетаётган пайтимиз машинамиз чорраҳага тўхтаганда 20-21 ёшлардаги йигитча идишда йўлдаги одамлар оғзини очсин деб сув узатди. Савоблаб йигит экан, дея хурсанд бўлдим. Раҳмат деб сувни олсам, идишга “Дуо қилинг, грин-картадан ютиб олай”, деб ёзиб қўйибди. Хафа бўлиб кетдим. 21 ёшли, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, уйланмаган йигитнинг рамазон ойида, муқаддас кунларда энг катта орзуси шу экан... Китоб нега керак? Мана шу нарсаларни ўргатиш учун. Китоб ўқиган, адабиётга яқинлашган инсонларнинг қалби бўлади. Қалби бор одам, ҳеч қачон ватанга хиёнат қилмайди...”.

УЛАР УЧУН ИНТЕРНЕТ БУ – ҲАЁТ

Технологиялар жуда тез ривожланиши дунё мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳам дастлабки интернет (зуммерлар ёки “зет”) авлод шаклланишига сабаб бўлди. Аслида, зуммер — товуш сигналларини узатиш учун фойдаланиладиган электр қурилма. Шунга нисбат берган ҳолда кундалик ҳаётини компьютер, гаджетларсиз тасаввур эта олмайдиган бугунги авлод “зуммерлар” деб аталган.

“Зет” авлод учун дунё интернет тармоғи ва гаджетлар бирор вазифани ҳал этиш воситасигина эмас, шахсий муносабатлар ўрнатиладиган, ном чиқарадиган, обрў-эътибор шаклланадиган, ўйин ўйнаб чалғийдиган, сон-саноқсиз видеороликларни томоша қилиб вақт ўтказадиган ва бошқа яхши-ёмон кўплаб ҳоказо-ҳоказоларни учратиш мумкин бўлган бир макон. Гўё ҳаёт ён-атрофда эмас, шу қутича (компьютер, гаджетлар)даги овоз ва тасвирлар жамланмаси. Энг ёмони, маълумот ва ахборотларга ёндашув нотўғри, уларни танлаш, таҳлил қилиш, танқидий ёндашув йўқ даражада.

Аслида, айнан маълумот ва ахборотларни танлай билиш ва таҳлил қилиш жуда муҳим. Албатта, интернетдан фойдаланувчилар ҳар гал тўхтовсиз ахборотлар оқими тартибсизлиги (хаос) билан тўқнашади. Бу эса тубсиз ахборот маконидан фойдаланишда этика қоидаларини англаш, ахборотни саводхонлик билан излаш, уни тизимлаштириш ва қайта ишлаш асосида медиамаданият шаклланишини талаб қилади.

Айни авлод борасида тадқиқот ўтказаётган ва муайян хулосаларга келган олимлар фикрича, “зуммер” авлоднинг ўзига хос ютуқлари билан бирга заиф жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

Олимларнинг фикрича, бу авлод тафаккури “клип фикрлаш” шаклини олган. Яъни улар ахборот ва маълумотларни парча-парча, қисқа ва ёркин образлар орқали қабул қилишга одатланган. Улар муайян воқеа, бадиий ёки ҳужжатли маълумотни асосан, кўриб эшитиш орқали қабул қилиш шаклини ўзлаштириб олган. Бундай тарзда ахборот олиш саводли сўзлаш, саводли ёзишдан узоқлаштириб юбормоқда. Бу эса билим олиш жараёнини бошқа йўсинга солиб, мавзуни батафсил ўрганиш, чуқурроқ англашдан четлатади.

— “Z” авлод алоҳида аудитория ҳисобланади. Биз уларни ахборот уммонига ғарқ бўлган ёки янгиликлар тўфонида қолиб кетган деб ўйлаймиз, — дейди филология фанлари доктори Беруний Алимов. — Ваҳоланки, ёш авлод фақат ўзига керак ахборотни, хусусан, қисқа ҳажмдаги матнларни ўқийди. Таҳлилий материалларга эътибор бермайди. Нима учун? Сабаби, улар ҳар соҳадан бир шингил янгилик олишни истайди. Уларда “қисқа ўйлаш” (инглизча “clip thinking”, русча “клиповое мышление”) жуда яхши шаклланган. Битта ахборот мавзусига чуқур кириб боришга ёки бир мавзуга атрофлича таҳлилий ёндашилган материални ўқиб ўтиришга уларда вақт ҳам, имконият ҳам чегараланган. Шундан келиб чиқиб, улар бирор масалага жиддий ва чуқурроқ киришишга ўзида сабр-тоқат топа олмайди. Масалан, агар видеосюжет бўладиган бўлса, ундаги 1-2 дақиқалик ахборотни яхши кўриб, томоша қилади. Улар учун матнли янгиликка нисбатан видеоянгиликлар кўпроқ қизиқ...

* * *

“Зет” авлодда диққат-эътибор тарқоқ. Улар клиплар, қисқа видеотасвирларга кўниккан, узун матнларни ўқиб ўзлаштиришга тоқатсиз деб таъкидланади шу мавзуга оид тадқиқотларда. Интернетга суяниб ўсаётган авлод мамлакат ёки дунёдаги муҳим воқеалар, саналар, тарихий ва географик номлар каби муҳим маълумотларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилмайди. Чунки керакли маълумотни олиш учун интернетдан фойдаланиб ўрганган. Улар яхши хотира ишда, кундалик ҳаётда, ўқишда ҳам зарур эканини, уни машқ қилиб туриш муҳимлигини тушунмайди дея хавотирли хулосалар бермоқда олимлар.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ёки ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

“Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари жорий йил Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида.

Бугун дунёда мамлакатлар иқтисодиёти билан бирга жамиятлар ҳаётининг бир-бирига боғланган ҳолда ривожланиши — глобаллашув жараёни кучайиб бораётир. Нафақат ёш авлод, катта ёшдагилар ҳаётининг ҳам аҳамиятли қисмига айланган интернет бу жараёнга, айниқса, маданият ва маърифат борасидаги қарашларимизга катта таъсир кўрсатаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу сабабли фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили энг самарали воситага айланган.

Хорижий ОАВ орқали тажовузкор ғояларга қарши миллий манфаатлар инобатга олинган асарлар ва ахборотлар билан жавоб қайтариш сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий, таълимга оид ёки кўнгилочар мавзуда медиамакон — контент яратиш энг самарали, долзарб масалага айланган. Миллий контентни ривожлантириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарорлар асосида миллий контентни яратиш бўйича комплекс дастур ҳам тасдиқланган.

Очиғи, миллий оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернетда бу борада қилинаётган ишлардан унчалик кўнгил тўлмайди. Фикримизча, комплекс дастурни сифатли амалга ошириш учун масъул этиб белгиланган вазирликлар ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларидан ташқари фуқароларимизнинг фаоллиги етишмаяпти.

Ҳозир тарғибот-ташвиқот маблағ ва қуроллардан ҳам катта кучга эга эканини дунёда бўлаётган воқеалар силсиласидан ҳам билиб турибмиз. Ахборотга эга бўлиш ҳокимиятга эга бўлиш, бошқариш экани яққол кўриниб турибди. Бу фақат том маънодаги ҳокимият, жамоани ёки халқни бошқаришдан ташқари ва энг нозик жиҳати — ёш авлод, умуман, инсоният онгини бошқариш, шахсини шакллантириш жараёнига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши билан сергак торттиради. Бунда эса фақат билим, маърифат, тиниқ тафаккур ва таҳлил тўғри йўл кўрсата олади. Энг муҳими, бунга истак бўлса бас.

“ТИРИК ТАРИХ” ТАРИХИЙ ЮРИШИНИ БОШЛАДИ

“Махтумқули Фироғий” фильми Қўрқут ота кинофестивали ОЛИЙ МУКОФОТИГА ЛОЙИҚ КЎРИЛДИ



Эътироф

Жорий йил май ойида “Тирик тарих” туркумидаги фильмлар лойиҳаси тақдимоти ўтказилган эди. 2024-2030 йилларга мўлжалланган мазкур стратегик дастур энг қадимги ўтмишимиздан тортиб, яқин тарихимизгача бўлган жуда катта даврни қамраб олган лойиҳа ҳисобланади.





Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар жадаллашиши ва тизимли йўлга қўйилишига асос бўлди.

“Тирик тарих” лойиҳасида чет эллик ҳамкорлар, хусусан, Испания, Германия, Венгрия, Россия, Туркманистон, Беларусь, Туркия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларнинг кино санъати усталари ҳам иштирок этмоқда.

Туркумдаги фильмлар асрлар қаърига бориб тақаладиган шонли тарихимиз, жадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, замон қаҳрамонлари сиймоларини акс эттиради. Куни кеча Ўзбекистон ва Туркманистон киноижодкорлари ҳамкорликда суратга олган “Махтумқули Фироғий” тарихий-бадиий фильми ТУРКСОЙ — Халқаро туркий маданият ташкилотининг Қўрқут ота кинофестивалида олий мукофот — “Энг яхши фильм” номинациясида ғолиб бўлди. Мукофотни Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Меҳрижамол Маммедова топширди.

— Туркманистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда суратга олган, буюк туркман шоири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Махтумқули Фироғий” фильми бутун умрини халққа, унинг маданияти ва маънавий меросига хизмат қилишга бағишлаган инсон хотирасига ҳурмат-эҳтиром ифодасидир, — дейди фильм режиссёри Музаффархон Эркинов. — Ушбу фильм бевосита давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаши натижасида яратилди. У буюк шоирнинг мамлакатларимиз халқлари учун қанчалик аҳамиятга эга эканини тўлиқ англаш имконини беради. Маданий меросни асраб-авайлашга бўлган эътибор туфайли ғоямизни рўёбга чиқариб, авлодлар ва мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган тарихий фильм яратдик. “Махтумқули Фироғий” бадиий фильми чинакам синов ва жамоамизнинг катта меҳнати самарасидир. Суратга олиш ишлари Ўзбекистон ва Туркманистонда беш ой давом этди. Уни суратга олишда ҳақиқий давр нафасини бериш учун шоир яшаган муҳитни жонлантирган 50 дан ортиқ декорация қурилди. Томошабинлар шоир замонасининг руҳини яқиндан ҳис қилиши учун жамоамиз Махтумқули даври, уни илҳомлантирган маданиятнинг гўзаллигини ва ўзига хослигини намойиш этишга ҳар томонлама интилди.

Кинофестивалда 11 та туркий давлатнинг энг сара фильмлари қатнашди. Ушбу ютуқ Ўзбекистон ва Туркманистон ҳамкорлигидаги маданий алоқаларнинг ёркин натижаси сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур муваффақият яратилган имконият ва шароитлар меваси бўлиб, миллий кино санъатининг халқаро миқёсда тан олинаётганидан даракдир.

“Тирик тарих” туркум фильмлар дастуридан Махтумқули ҳаёти ва ижодига бағишланган тарихий-бадиий лойиҳанинг жой олгани бежиз эмас. Фильм ўзбек-туркман халқларининг санъат ва адабиётда ҳам азалий муштараклигини эътироф этади.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4103
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:08 Топширилди — 02:40